
Тадбиркорлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этишга қаратилган туман ҳокимининг навбатдаги қабули бўлиб ўтди

Тадбиркорлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал қилиш чораларини кўриш мақсадида туман ҳокими Халимжон Умаров томонидан 1-сектор штаби биносида навбатдаги сайёр қабул ўтказилди.

Очиқ мулоқот шаклида ўтказилган учрашувда тумандаги масъул корхона ва ташкилот раҳбарлари, ҳоким ёрдамчилари ҳамда тадбиркорлик субъектлари иштирок этди.

Учрашув давомида тадбиркорларнинг мурожаат ва таклифлари тингланиб, қабул давомида ҳал этилиши мумкин бўлган муаммоларга амалий ечимлар белгиланди, масъулларга тегишли вазифалар юклатилди.

Иштирокчилар билан ўзаро мулоқот чоғида тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилаётган тизимли муаммолар ва уларнинг ечими бўйича таклифлар борасида фикр алмашилди.

2023-08-14 17:18:13